

«Пешқадам мактаби» ўқув марказининг очилиш маросими ўтказилди



17:51 / 13.05.2023 3555

Бугун, 13 май куни «Пешқадамлар қарвони» муассасасининг янги биносида «Пешқадам мактаби» ўқув марказининг очилиши ҳамда Bintu Sodiq, Muslima.uz ва Muallim_media каналлари, «Пешқадам қарвони» лойиҳаси жамоасининг янги бинога кўчганлиги муносабати билан маросим бўлиб ўтди. Маросимга юртимизнинг бир қатор устоз уламулари, хусусан, Ислом оламининг етук уламуларидан устоз Абдулҳамид Муҳаммад Турсун, Муҳаммад Айюбхон Косоний, Исмоил Муҳаммад Юсуф, Мансурали домла Тожимуҳаммад ўғли, Анвар Аҳмад Аббосий, Ҳасан домла Қодиров, Абдулбосит қори Абдуллажонов, Озод Мунаввар, Абдулвоҳид Саттиев, Фозилжон Абдулқайюм, Фиёсиддин Ҳабибуллоҳ ҳамда islom.uz, Hilol media маркази, Bintu Sodiq, Muslima.uz ва Muallim media ходимлари ва бошқа мухлислар ташриф буюришди.



Тадбир Қуръони Карим тиловати билан бошланди. Тиловатдан сўнг устозлар ва йиғилганлар шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг руҳлари шод бўлиши ва ушбу ўқув марказининг

фаолияти юксалишини сўраб хайрли дуолар қилдилар.



Тадбирни islom.uz сайти ходими Қамариддин Бекмуҳаммад олиб борди. Маросимни очиб бериш учун устоз Исмоил домла Муҳаммад Юсуф сўз олиб, ушбу ўқув марказининг очилиши ҳазрат раҳимаҳуллоҳ орзу қилган ва тамал тошини қўйиб берган улуғ хизматнинг давоми эканини барчага эълон қилиб ўтдилар.



Шундан сўнг азиз устозлар тадбирда бирма-бир сўз олиб, аёл кишининг таълим олиши бутун бир миллатнинг таълим олиши эканини, ҳатто бир қўлида бешик тебратиб, бир қўлида китоб ёзиб, динга, халққа, илмга хизмат қилиб ўтган олимаю фозила аёлларнинг ғайрату рағбатини ибратли тарзда ҳаётий мисоллар билан эслаб ўтдилар. Шунингдек, устозларимиз ўз нутқлари асносида «Авваллари фарзандини эмизаётган оналар боласининг буюк инсон бўлишини, жамиятга фойдаси тегадиган катта олим бўлиб етишишини ният қилиб вояга етказишган экан. Шунинг учун ҳам ўша пайтларда юртимиздан забардаст уламолар кўплаб етишиб чиққан экан...», дея йиғилганларда ижобий тассаурот қолдирадиган маълумотларни ҳам қайд этиб ўтдилар.

Тадбир якунида хатми Қуръон тиловат қилиниб, устоз Абдулҳамид Муҳаммад Турсун домла томонларидан юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг сабабчилари, шунингдек, янги очилган ўқув мактабининг барча ташкилотчилари, раҳбару ходимлари ҳамда тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар ҳақига умумий дуо қилиб бердилар.





Шундан сўнг барчани меҳмонлар учун тайёрлаб қўйилган зиёфат дастурхонига таклиф этилди.

Шу ўринда эслатиб ўтамизки, «Пешқadam мактаби» ўқув марказида қуйидаги йўналишларда таълим берилади:

«Мутолаа сирлари» семинари

Аёл-қизларда китобга бўлган муҳаббатни шакллантириш;

Мутолаанинг барча сирларини ўргатиш.

Вокал дарслари

(Аёллар ва эркаклар учун алоҳида гуруҳларда).

Нафас машқлари, нота ва товушқатор, овозни созлаш, мақом.

Нотиқлик санъати

Оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш, ўз фикрини чиройли ва равон етказиб бера олиш, нотиқлик машқлари.

Видеооператорлик

Замонавий фотоаппарат ва видеокамералардан фойдаланиш қоидалари ва сифатли медиа маҳсулот тайёрлашни ўрганиш.

Видеомонтаж

Youtube, Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқлар учун видеоларлар тайёрлаш. Монтажлар таҳлили, режиссёрлик сценарийси билан ишлаш.

Мобилография

Телефон функцияларидан тўлиқ фойдалана олиш.

Креативликни ошириш. Замонавий услубдаги видеоларларни

профессиялар тарзда ишлаш.

Саводхонлик мактаби

Услубий ва имловий жиҳатдан беҳато ёзиш, муҳаррир ва мусахҳихлик касбининг нозик сирларини ўрганиш.

Оила психологияси

Эркак, аёл психологиясини ўрганиб, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш.

Аёлларнинг психологик билимларини ошириш.

Фарзанд психологияси

Боланинг ҳомила давридан то вояга етгунгача бўлган ёш давлари психологиясини ўрганиш.

Фарзандлар билан муносабатни яхшилаш.

«Сени тушунаман» лойиҳаси, ўсмирлар учун

Ҳаёт неъматини англаш, ўз олдига мақсад қўйиб, унга эришишга ҳаракат қилиш.

Инглиз тили курслари

Beginner, Elementary, Pre-intermediate, Intermediate, Advanced

Араб тили курслари

Фонетика;

Грамматика;

Матнлар ўқиш (Қироа);

Сўзлашув (Муҳовара);

Нафис сўзлаш санъати (Балоға)

Пешқадам карвони лойиҳаси

Пешқадам Карвони - ижтимоий-маърифий лойиҳа бўлиб, у қуйидаги йўналишларда фаолият юритади:

1. Кутубхоналар ташкил қилиш.

Бу йўналиш иштирокчилари ўз ҳудудларида кутубхона - «Мактаба» муассасаларини ташкил этишлари кўзда тутилган.

2. Китобхонлик мактаби.

Бу йўналиш аҳоли ўртасида китобхонликка тарғиб қилувчи тадбирлар - китоб марафонлари, давра суҳбатлари ва семинар-тренинглари ўтказишни ўз ичига олади.

3. Илмий фаолият.

Бу йўналишда олий таълим муассасаларининг бакалавр, магистратура ва докторантура талабалари орасида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг илмий мероси асосида илмий изланишлар олиб бориш тарғиб қилинади.

4. Медиа соҳаси.

Бу йўналишда иштирок этувчи ихлосмандлар шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф асарлари, ҳаёти ва ижоди асосида медиа маҳсулотлари тайёрлашлари ва уни оммага тақдим этишлари мақсад қилинган.

5. Мутахассислар тайёрлаш.

Бунда лойиҳа ихлосмандлари ўз соҳасининг етакчи мутахассиси бўлиб чиқишлари учун турли соҳа вакиллари билан учрашув, семинар ва курслар ташкиллаштирилади.

Ҳижрий 1444 йил, Шаввол 23 сана
Islom.uz сайти